# Тошкент вилоят комсомол комитетининг XXV комсомол конференциясига ҳисобот маърузаси

# ТЕЗИСЛАРИ

ШУ ЙИЛНИНГ апрель ойида ВЛКСМ XXI съезди бўлади, у ВЛКСМнинг янги Устави ва Программасини қабул қилади. Бугунги кунда ёшларга эркин ҳаракат қилиш, жамият фаолиятида фаол иштирок этиш имкониятини берадиган Устав зарурияти туғилди. Худди шундай зарурият КПСС Уставига айрим ўзгартишлар киритишни тақозо этмоқда. Чунки, йўлдаги тўсиқларни олиб ташламасдан, буйруқбозлик иллатларидан қутулмасдан туриб, комсомолдаги қайта қуришни муваффақиятли амалга ошириш мумкин эмас.

Жамиятдаги муаммолар билан комсомолдаги муаммолар бир-бирига боғлиқ. Вилоятимизда ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган 20 мингдан ортиқ ёшлар бор. Ёшларнинг, ёш оилаларнинг даромадлари паст, турар-жой масаласи жуда суст ҳал этилмоқда. Вилоятда соғлиқни сақлаш ва маорифнинг аҳволи ачинарли аҳволда. Қайта қуриш туфайли юзага қалқиб чиқаётган камчиликлар ёшлар ўртасида истиқболга ишончсизлик туғдирмоқда. Ёшларнинг комсомол сафидан чиқиши давом этмоқда. Ҳисобот даврида 40 мингдан зиёд комсомол ВЛКСМ билан алоқасини узганлиги учун комсомолдан ўчирилди, ташкилотимиз аъзолари 19 фоизга қисқарди.

**Комсомолга қабул кескин камайди. Кейинги уч йилда 1196 бошланғич ташкилот (шулардан 52 таси мактаблар) ўз сафига бирор кишини ҳам қабул қилмади. Ҳолбуки, ВЛКСМ XX съездидан сўнг комсомолга қабул қилиш ҳуқуқи бошланғич ташкилотларга берилган эди. Лекин, вилоят комсомол комитети ўз ташкилоти сафларида ўсиш жараёнини назорат қилишдан четда қолди, шаҳар, ноҳияларда ҳам хотиржамликка берилишди. Пировардида бошланғич ташкилотлар ёшларни комсомол сафларига жалб қилмадилар.**

Қаерда комсомол комитетлари ўз сўзи, обрўси учун курашиб, ёшлар ҳаётидаги ижтимоий масалаларни дадиллик билан ҳал этса, ўша ерда ёшларнинг комсомолга эътиқоди кўпаяди, ёрдам, маслаҳат сўраб келади. Вилоятимизда бундай комсомол комитетлари оз эмас. Оққўрғон, Ленин, Собир Раҳимов ноҳиялари ва Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган йиғилиш ҳамда конференцияларда комсомоллар ВЛКСМдаги муаммоларни куюнчаклик билан муҳокама этдилар, ВЛКСМ Устави ва Программасига ўз таклифларини айтишди, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлигига номзодлар кўрсатишди, СССР ва Ўзбекистон ССРнинг янги қонунларига муносабатларини билдиришди.

Шу билан биргаликда кўпчилик бошланғич ташкилотларда комсомоллар ва фаолларнинг сайлаб қўйиладиган органлар фаолиятига холис баҳо беришда баъзан лоқайдликлар сезилиб қолди. Йиғилиш ва конференция муддатлари иштирокчиларнинг камлиги туфайли кўпинча бошқа кунга кўчирилди, Акмал Икромов, Фрунзе, Пискент ноҳияларида комсомоллар фаол ҳаракат қилмадилар.

ВЛКСМ ташкилий қурилиши, тузилиши юзасидан ҳам муаммолар юзага чиқмоқда. Масалан, бирлашган авиация отряди (Сергели ноҳияси), Тошкент тўқимачилик комбинати (Фрунзе ноҳияси), Тошкент олий ўқув юртлари ноҳия, шаҳар комсомол ташкилотлари ҳисобидан чиқишга қарор қилганликларини билдиришди, вилоят ва жумҳурият миқёсида рўйхатга олинишларини сўрашди.

ҲИСОБОТ ва сайловларни таҳлил қиларканмиз, бугун комсомол ташкилотлари, уларнинг фаоллари ёшлар муаммоларидан узоқлашиб қолганликлари аён бўлди. Комсомол йиғилишларида танқидий мулоҳазаларнинг, илтимос ва таклифларнинг аксарияти комсомол комитетлари шаънига эмас, аксинча совет органлари, корхона маъмурияти, колхоз ва совхоз раҳбарлари шаънига айтилмоқда. Муаммоларини фақат шулар ҳал қилишлари мумкинлигига комсомоллар ишонишади. Бошланғич ташкилотлар, комсомол комитетлари уларнинг хоҳиш-истаклари, манфаатларини ифода қилишига ишонмай қўйишди. Аксарият комсомол ташкилотлари меҳнат коллективлари кенгашларини тузиш, коллектив шартномалар қабул қилиш, депутатлар сайловида иштирок этишдан четда қолмоқдалар. Бунда партия комитетлари ҳам айбдордирлар. Улар ёшларнинг фаолликларини ошириш, комсомолга партиявий раҳбарлик қилишни унутиб қўйдилар.

Вилоят бўйича 159 комсомол комитетининг иши қониқарсиз, деб топилди.

Ҳисобот даврида вилоят комитети кадрлар билан ишлашнинг янги системасини ишлаб чиқди. Қуйи бўғинларда комсомол комитетларига котиб сайлашдан олдин номзодларнинг муҳокамасини ўтказиш, меҳнат коллективининг фикрини инобатга олиш, йиғилишда характеристикани тасдиқлаш қоидага айланди. Вилоят комсомол комитетининг пленумида вилоят комитетининг котиблигига резервлар ошкоралик билан кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Вилоят комсомол комитети янги шароитларда ишлашга қобилиятли кадрлар танқислигини ҳис қилмоқда. Кўплаб шаҳар, ноҳия комсомол комитетлари, бошланғич ташкилотлар котиблари орасида довдираш, воқеалар ривожини олдиндан билмаслик кўзга ташланмоқда, айрим ёшларнинг долзарб саволларига жавоб беришдан ўзларини олиб қочмоқдалар.

Шаҳар, ноҳия комсомол комитетлари ўз фаолиятларини мустақил юритмоқдалар. Бу янги тажриба муайян ижобий самаралар берди, лекин хатоликларга ҳам йўл қўйилди. Масалан, Ангрен ва Нариманов шаҳар, Киров, Акмал Икромов, Чиноз ноҳия комсомол комитетлари «Котиб-ўқувчи ёшлар билан ишлаш бўлими мудири» лавозимини қисқартириб, маълум вақтдан сўнг уни яна тиклашга мажбур бўлишди.

Шуни ҳам тан олиш керакки, вилоят комитети аппаратини ўзгартириш бўйича қилинган тажриба ҳам охиригача пухта ўйланмаган бўлиб чиқди.

Бюро, секретариат ва пленумлар қабул қиладиган қарорларнинг мазмуни ва руҳи кескин ўзгарди. Панд-насиҳат қилиш ва жазолашдан тавсия этиш ва қўлланма бериш характерига эга бўлишди. Қуйи бўғинларга юборилаётган ҳужжатлар ҳажми 20 фоиз қисқарди.

Вилоят комсомол ташкилотининг раҳбар органлари ҳисобот даврида ўз фаолият услубларини такомиллаштиришга интилишди. Қарорларни ишлаб чиқишга сайлаб қўйиладиган органлар аъзолари ва комсомол фаоллари жалб қилинди, бюро ва пленумларга масалалар тайёрлашда уларнинг иштироки одат тусига кирди, бунда комсомолларнинг жамоатчилик фикри ва социологик тадқиқотлар натижалари ҳам инобатга олинадиган бўлди. Вилоят комсомол комитетининг бюроси ишда коллегиалликни қарор топтира бориб, айни пайтда топширилган ишга сайлаб қўйиладиган орган аъзоларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга ҳам ҳаракат қилди. Фақат бюро ва пленумларнинг ўзида 8 киши ўз фаолияти ҳақида ҳисоб берди.

**Вилоят комитети ноҳия, шаҳар комсомол комитетларига амалий ёрдам бериш учун бўлимларнинг жойларда сайёр йиғилишларини ўтказди. 1989 йилнинг ўзида масъул ходимлар 726 бошланғич комсомол ташкилотида бўлишди, 135 комсомол йиғилишида қатнашишди. Вилоят комсомол комитети бюросининг қарорига кўра 13 бошланғич комсомол ташкилотига ўзининг ҳисоб-китобини очиш ҳуқуқи берилди. Бу қатор ички муаммоларни мустақил ва ўз вақтида ҳал қилиш имконини берди.**

Биз учун марказий ва долзарб масалалардан бири партия ва комсомол ташкилотлари ҳамда комитетларнинг ўзаро алоқасидир. Барча даражадаги фикр битта: ҳозирги ҳамкорлик йўли маъқул эмас. ВЛКСМда партия раҳбарлиги ёш коммунистлар орқали амалга оширилиши, бунинг учун эса ВЛКСМдаги партиявий ядрони мустаҳкамлаш, комсомол етакчиларини демократик сайлов асосида КПСС сафига қабул қилишни кенгайтириш лозим. ВЛКСМ Уставининг ноҳия, шаҳар, музофот, вилоят, ўлка ҳамда жумҳурият комсомол комитетлари котиблари КПСС аъзоси бўлиши шарт, деган 40- ва 41-бандларини ўзгартириш ҳақида таклифлар киритиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Конференция делегатлари йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этиш юзасидан вилоят комсомол комитетининг вилоят партия комитети билан қўшма пленум ўтказиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватланади, деб ишонадилар.

Жамиятимиз сиёсий системасидаги ислоҳот халқ депутатлари Советлари фаолиятида вилоят комсомол ташкилотининг фаол иштирок этиши масаласини кун тартибига қўяди. Бу билан улар ёшлар хоҳиш-иродаси учун сиёсий ҳокимиятдан фойдаланадилар.

1990 йил 18 февралда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатларига сайловлар бўлади. Сайловолди кампанияси вилоят комсомол ташкилоти учун «юқори»дан берилган тақсимот асосида эмас, балки шахсий ташаббус кўрсатишга қанчалик тайёр эканликларини имтиҳондан ўтказади.

Оққўрғон, Ғалаба, Нариманов, Ўрта Чирчиқ ноҳия комсомол комитетлари комсомол ҳисобот-сайлов конференциялари сайлволди ҳаракат дастурини ишлаб чиқдилар ва қабул қилдилар. Ангрен, Бекобод, Чирчиқ, Оққўрғон, Нариманов, Калинин, Ўрта Чирчиқ, Тошкент, Чиноз комсомол комитетлари конференция ва пленумларида халқ депутатлигига номзодлар кўрсатилди.

Комсомолдан Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлигига номзод бўлган 337 киши 1989 йил 30 декабргача рўйхатга олинди. Шулардан 116 киши комсомол, 92 киши КПСС аъзоси, 36 киши бошқа ишлардан озод қилинган комсомол ходими, шу жумладан 17 ноҳия ва шаҳар комитетларининг биринчи котиби, 110 киши ёш ишчи ҳамда колхозчидир.

Шу билан бирга Тошкент шаҳар, Тошкент, Ғалаба, Куйбишев, Чилонзор ноҳия комсомол комитетлари сайловларда фаол иштирок этиш муҳим эканлигига етарли баҳо бермаганликлари туфайли улар кутилган натижаларга эриша олмадилар.

13 ноҳия ва шаҳар комсомол ташкилоти раҳбар органларга депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқидан фойдалана олмади. Комсомол комитетлари пленумларида бор-йўғи 43 киши кўрсатилди. Фақат 15 бошланғич комсомол ташкилоти ўзининг сиёсий ва қонуний ҳуқуқидан фойдаланди.

Бизнингча, Ўзбекистон ССР Олий Советининг I сессиясида жамоат ташкилотларининг ҳуқуқлари ҳамда уларнинг сайловларда қатнашиш тартибларига тааллуқли бўлган қонунларга ўзгартиришлар киритиш зарур.

Вилоят комсомол комитети ВЛКСМнинг янги Уставини қабул қилиш тўғрисидаги ВЛКСМ Марказий Комитетининг қарорини қўллаб-қувватлайди. Биз уюшмамизнинг ягона Устави бўлишини тўғри деб ҳисоблаймиз. Бунда комсомол органларининг тузилиши оқилона ва демократик бўлишига эришиш, барча босқичлардаги комсомол комитетларига ўз фаолиятларининг йўналишлари ҳамда иш шаклларини белгилаш ҳуқуқини бериш зарур.

Бугунги кунда комсомолдемократик марказлаштириш принципини, демократик асосларда асосий йўналишлардан фойдаланиш имкониятини берадиган янада юксак даражада бошқариш системаси зарур.

Биз бошланғич комсомол ташкилотларига асосий эътибор берилишининг тарафдоримиз. Улар ВЛКСМнинг реал сиёсий ҳамда ташкилий асосини ташкил этиши лозим. Шу билан бир пайтда бошланғич комсомол ташкилотлари комсомолларнинг жипслиги, уларга ғоявий, янги жамият барпо этиш учун ёшларни ғоявий, аҳлоқий ва ижодий камол топишига кўмаклашиш учун ВЛКСМ олдида асосий масъулиятга эга бўлиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, биз марксизм-ленинизм мафкурасига асосланган Программамизни ҳам ишлаб чиқишимиз зарур. Бу программа демократик ва умумбашарий қадриятларни ўзида ифода этиши керак. Биз ВЛКСМ Марказий Комитетининг комсомол XXI съездига программ баёнотининг қоидаларига асосан қўшиламиз. Шу билан бир қаторда комсомол Марказий Комитети ВЛКСМ Программаси ва янги Уставини қабул қилиш масалаларида кам деганда уч йил кечикканлигини таъкидламоқчимиз. ВЛКСМ Марказий Комитети Бюроси ва Секретариати жамиятда рўй бераётган ўзгартишлардан орқада қолмоқда, ўз вақтида ҳаракатнинг аниқ дастурини ишлаб чиқмаяпти. Уларнинг кўпгина қарорлари чалакам-чатти, ёшларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини ифода этмайди.

Вилоят комсомол комитети фаолиятининг асосий йўналишларидан бири — ёшларнинг фан-техника ижодкорлигини ривожлантиришда фаол иштирок этишдан иборатдир.

БУНДАН уч йил муқаддам, XXIV ҳисобот-сайлов конференцияси қарорида ёшларнинг фан-техника ижодкорлиги вилоят кенгашини ташкил этиш ҳамда ўн бешта ёшлар ижодий коллективларини тузиш вазифаси қўйилган эди. Бугунги кунда 22 ноҳия ва шаҳар фан-техника ижодкорлиги маркази ташкил этилган. Ижодий коллективлар 16 миллион сўмлик шартнома ишларини амалга оширдилар. Бу ишларда 8 мингдан зиёд ёш рационализатор, ихтирочи, олим ва мутахассис қатнашмоқда.

Ёшларнинг фан-техника ижодкорлиги марказларини ташкил этиш комсомолга ёшларни фан-техника ижодкорлигига жалб этиш билан бир қаторда йигит ва қизларга қўшимча иш ҳақи ишлаб топиш имкониятини берди.

Ёшлар фан-техника ижодкорлиги марказлари фаолиятида ёшларнинг фан-техника ижодкорлигини янада ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммолар мавжуд.

Белгиланган тартибга мувофиқ, ёшлар фан-техника ижодкорлиги марказлари фойданинг 27 фоизини ноҳия ва шаҳар ёшлар фантехника ижодкорлиги уюшмалари фондига ўтказадилар. Вилоят бўйича умуман ана шу фондларга 1 миллион сўмдан зиёд маблағ тушди. Масалан, ёшлар фан-техника ижодкорлигининг вилоят кенгаши фонди маблағидан 40 минг сўм совет ва болгар мутахассислари томонидан яратилган «Вариант» ҳисоблаш таълими системасини сотиб олишга ажратилди. Тошкент вилоятининг Янгибозор шаҳридаги 7-ўрта мактабнинг бутун бир синфи ана шу система билан жиҳозланган. Лекин ҳозирча бундай мисоллар жуда кам. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, пул маблағларининг катта қисми ўз ўрнида фойдаланилмаяпти.

Вилоят комсомол комитети ВЛКСМ Марказий Комитети ва ёшларнинг фан-техника ижодкорлиги Бутуниттифоқ мувофиқлаштириш кенгаши ёшлар фан-техника ижодкорлиги марказларининг маблағларини мувофиқлаштириш кенгашига ўтказиш тартибларини ўзгартиришлари ва уларни бевосита комсомол комитетларига юборишлари зарур. Бу маблағлардан ўз вазифалари бўйича болалар ва ўсмирлар тўгараклари, техника ижодкорлиги клубларининг тармоқларини ривожлантириш, пионерлар саройлари ҳузуридаги ёш техниклар тўгаракларини мустаҳкамлаш учун фойдаланилади.

**Ҳозирги вақтда вилоятда 100 дан зиёд ёшлар маркази ҳамда ёшларнинг бошқа хўжалик ҳисобидаги уюшмаси муваффақиятли ривожланиб бормоқда ва фаолият кўрсатмоқда. Улар халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш, қурилиш-монтаж, спорт-соғломлаштириш, маданий-маориф ва бошқа хил фаолият билан шуғулланмоқдалар.**

Комсомол корхоналарининг ташкил этилиши комсомол комитетларига ёшларнинг ижтимоий аҳамиятга молик ташаббусларини амалга оширишга кафолат беради. Вилоят комсомол комитети комсомол иқтисодиётини фаол ривожлантира бориб, бу ишга ишсиз юрган ёшларнинг маълум қисмини жалб этишга умид боғламоқда, болалар ва ўсмирлар учун моллар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш миқдорини оширишни назарда тутмоқда.

Бироқ, ёшлар ўз хайрли ишларини амалга ошириш йўлида норматив-ҳуқуқий базанинг, моддий-техник ресурслар билан таъминлаш ҳамда кўпгина бошқа нарсалар мукаммал эмаслиги каби тўсиқларга дуч келаяптилар.

Деярли барча хўжалик ҳисобидаги уюшмалар ўз фаолиятининг бошланишида дуч келган асосий муаммо — давлат банкидан ссуда ёки қарз олиш масаласидир. Вилоят комсомол комитети ана шу муаммони ҳал этиб, 1989 йил мартида ёшлар фан-техника ижодкорлиги ёшлар марказлари ҳамда бошқа хўжалик ҳисобидаги уюшмаларга уларнинг моддий-техник базасини ўнглаб олиш ва ривожлантиришга, иқтисодий фаолиятини йўлга қўйишга даъват этилган «Осиё банки» коммерция корхонасини ташкил этиш ташаббускори бўлиб чиқди. Ҳозирнинг ўзидаёқ бир қатор комсомол корхоналари: Ўзбекистон ЛКСМ Янгийўл комитетининг «Ёшлик», Ўзбекистон ЛКСМ Чиноз ноҳия комитетининг «Оригинал» ёшлар марказлари ва бошқалар банк хизматидан фойдаланмоқдалар.

Ёшлар корхоналарини ривожлантиришга уларни моддий-техник ресурслар билан таъминлаш муаммоси жиддий ғов бўлди. Масалан, Орджоникидзе ноҳия комсомол комитетининг «Ижод» фантехника маркази «Ёшлик» вилоят маркази билан йиғма металл конструкциялари ишлаб чиқариш юзасидан ҳамкорликда «Оазис» корхонасини ташкил этди. Корхона маҳсулотларидан иссиқхоналарда, омборларда, фермаларда, гаражларда, ҳар бир хўжаликда фойдаланиш мумкин. Ёшлар фан-техника ижодкорлиги марказининг ҳар бири 150 минг сўмдан сарфлаб, йилига 5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирди. Бироқ, сарф қилинган маблағ ҳозирча кутилган натижани бераётгани йўқ.

Яна бир муаммо бор: агар комсомол корхоналарига давлат томонидан солиқ солинадиган бўлса, унда улар ё синадилар, ёки комсомолдан чиқиб кетадилар. Шунинг учун вилоят комсомол комитети солиқ солиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш пайтида ёшлар хўжалик ҳисобидаги уюшмалардан олинадиган маблағларни ёшларнинг ижтимоий аҳамиятга молик ташаббусларини рўёбга чиқаришга сарфлашни назарда тутишни СССР халқ депутатларидан илтимос қилиш ниятидадир.

Уй-жой масаласи — ёшларнинг энг ўткир ижтимоий муаммоларидан бири. Шунинг учун ҳам вилоят комсомол комитети 1988 йил майида ёшларнинг уй-жой комплекслари марказларини тузди. Ҳозирги пайтда 14 шаҳар ва ноҳияда ёшларнинг уй-жой комплекслари, 16 ташкилий комитет тузилган. Олмалиқ шаҳридаги «Металлург», Ангрен шаҳридаги «Узбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа бир қатор ёшларнинг уй-жой комплекслари ташкилий комитетларига амалий ёрдам кўрсатилди.

Бироқ, шу пайтгача ёшларнинг уй-жой комплекслари қурилишлари асосан корхоналар — пайчилар маблағлари ва ёшларнинг уй-жой комплекслари хўжалик фаолияти даромадлари ҳисобидан маблағ билан таъминланмоқда.

Бундан ташқари, 1989 йил майида Тошкент вилоят ижроия комитети ва вилоят комсомол комитети мазкур қарорнинг бажарилишини кўриб чиқди ҳамда шунга мувофиқ қарор қабул қилинди. Бироқ, шу кунга қадар қарорнинг бирон бир банди бажарилгани йўқ. Масалан, Бекобод шаҳрида ёшларнинг уй-жой комплекси қурилишига жой ажратиб бериш уч йилдан буён пайсалга солинмоқда.

1987 йилда вилоят комитетининг таклифи бўйича Бибиджон шаҳрида барпо этилаётган Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилиши — «Дальсельмаш» заводи Тошкент вилоят комсомол ташкилотига бириктириб қўйилди. Биз аввалари турли қурилишларга кўнгиллиларни юборардигу, лекин уларнинг тақдири, турмуши, ҳаёти билан қизиқмасдик. Энди бу хатолар тўғриланмоқда. Вилоят комсомол комитети томонидан кўнгиллилар учун спорт жиҳозлари, миллий чолғу асбоблари, китоблар, жами 45 минг сўмликдан зиёд нарсалар сотиб олиниб, етказиб берилди.

Тошкент вилоят комсомол комитети ёшларнинг меҳнат уюшмаси штабини тузди. У йигит-қизларни ишга жойлаштириш билан шуғулланади.

АГРАР соҳага назар ташлайлик. Пахтачилик комсомол — ёшлар бригадалари ўртасида социалистик мусобақани ташкил этиш яхши натижа берди. Комсомол — ёшлар бригадаларининг 88 фоизи пахта йиғиб-териб олиш плани — топшириғини тўла адо этди, ҳар гектар ердан ўртача олинган ҳосил 31,3 центнерни ташкил қилди.

Хўжалик ҳисобига ўтиш, пудратни жорий қилишда комсомол ёшлар коллективларига кўмак бериш, томорқа хўжалигини юритаётган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш комсомол комитетлари фаолиятининг муҳим йўналишини ташкил этиши зарур.

Оққўрғон ноҳиясидаги С. Сегизбоев номли совхоздан Ғ. Турсунов бошлиқ комсомол — ёшлар бригадаси уч йилдан буён тўла хўжалик ҳисобида ишлаётир. Бу усулнинг жорий этилиши ҳар гектар ердан 37 центнердан пахта етиштириш, ҳар бир кишининг ойлик меҳнат ҳақини 230 сўмгача етказиш имконини берди.

Пискент ноҳиясидаги Ломоносов номли 23-ўрта мактабнинг ўқув-ишлаб чиқариш бригадаси 1989 йили Тошкент вилоят Ленин комсомоли мукофотининг лауреати бўлди. Бригадада ўтган йили ҳар гектар ердан 31,7 центнердан пахта ҳосили кўтарилди.

1988 йилда вилоятнинг жами 55 ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари қарийб 800 минг сўмлик иш бажардилар. Ана шундай бригадаларнинг иш тажрибаси синчиклаб ўрганишга лойиқдир.

Ҳозирги вақтда вилоят комсомол комитетлари ёш оилаларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантиришдан манфаатдорлигини ошириш юзасидан иш олиб бормоқдалар. Ҳозирдаёқ дастлабки қадамлар қўйилди. Жумладан, бундан икки йил муқаддам Калинин ноҳиясидан комсомол аъзоси ишчи Қаҳрамон Дадабоев ноҳия комсомол комитети ёрдамида ўз ҳовлисида 10 таначани бўрдоқига боқиш учун олган эди. У қўшимча сарф — харажат қилмаган ҳолда чиқинди озиқ-овқатлардан фойдаланиш ҳисобига 2000 сўм даромад олди.

Вилоят комсомол комитетининг чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Пионер» ёшлар маркази тузиш бўйича тажрибасини оммалаштириш талаб этилади. Чиноз ноҳиясидаги «Олмазор» совхози паррандачилик фермасини ижарага олган мазкур ёшлар маркази 1000 та товуқ сотиб олганди. Ҳозиргача 66 минг дона тухум сотилди, яна 200 бош сўқим ва 420 та ғоз боқилмоқда.

**Комсомол ташкилотлари қишлоқлардаги ҳар бир хонадонда чорва моллари ва парранда бўлиши, мевали дарахтлар ва сабзавот ўстириши зарурлиги ҳақида ташвиқот ишларини олиб боришларига тўғри келади. Ҳозирги аҳвол эса қуйидагича: ҳар беш хонадонга битта мол, ҳар икки хонадонга бир қўй тўғри келади. Айнан шу хонадонларда яшовчилар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилардан худди ана шу маҳсулотларни сотиб олувчиларга айланиб қолишган. Бу шаҳарда гўшт, ёғ ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни янада оширишига, навбатларнинг чўзилишига сабаб бўлмоқда.**

Бу аҳволдан қутулиш йўлларини излаш, ўзаро ҳамкорлик қилиш керак. Имкониятдан келиб чиқиб, ўзимиз ҳам кичикроқ бўлса-да, маҳсулот ишлаб чиқарувчи манбалар яратишимиз, ишлаб чиқариш корхоналарининг шохобчаларини ташкил этишимиз лозим. Жамоа ва кенгаш хўжаликларида қишлоқ хўжалик, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхона ва цехлар ишини йўлга қўйишга эришиш лозим.

Ҳисобот даври мобайнида вилоят комсомол комитети вилоят «Комсомол прожектори» штаби ва комсомол комитетларининг «КП» постлари фаолиятини ёшлар қизиқишлари, талаб ва эҳтиёжлари билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратди, «Комсомол прожектори» штабининг асосий фаолияти шаҳар ва ноҳия «КП» штаблари ишларини шакллантириб, мувофиқлаштиришдан иборат бўлди.

Қизиқарли иш шакллари пайдо бўлди. Масалан, Чирчиқ шаҳрида, Ўрта Чирчиқ ва Чиноз ноҳияларида турли назорат органлари, жумладан «Комсомол прожектори» ҳам ягона жамоатчилик назорати органига бирлаштирилди.

Бугунги кунда сиёсий ўқишлар на тингловчиларни ва на ана шу ўқиш ташкилотчиларини қониқтирмайди. Ҳисобот даври мобайнида комсомол комитетлари томонидан мунозара клубларининг ролини ошириш, ўқув программалари ишлаб чиқиш бўйича талай аниқ ишлар қилинган бўлса-да, аммо муайян ўзгаришларга эришолмадик.

Биз жуда узоқ муддат ёшларни догматик тарзда тарбиялаб келдик. Қолипдан ташқаридаги ҳар қандай сўз, ҳар қандай фикр ортида жазо турарди. Бугун ҳар бир ёш инсон ўз фикрига, дунёқарашига эга бўлиши жуда муҳим. Майли, у унчалик тўғри фикрламаса ҳам. Ана шу фикр ва дунёқарашнинг қандай бўлиши ўзимизга боғлиқ.

Комсомол ўз бошидан кечираётган мураккаб, қарама-қаршиликларга бой жараёнларда оммавий ахборот воситалари алоҳида роль ўйнайди. Шу жиҳатдан вилоят комсомол-ёшлар газетасини ташкил этиш вақти пишиб етилди. У вилоят комсомол комитетининг фақат ташвиқот органи бўлибгина қолмай, шу билан бирга ёшлар минбари ҳам бўларди.

Ҳисобот даври мобайнида ёшларнинг маданий талабларига комсомол комитетлари етарли эътибор бермадилар. Кўп ҳолларда тадбирларнинг миқдори ва қатнашчиларнинг сонини ҳисоблаш билан кифояланиб қолинди.

Биз маданият органлари раҳбариятининг ёш авлоднинг эстетик, ахлоқий ва маънавий тарбиясидаги нуқсонларга фақат комсомол жавоб бериши керак, деган гина-кудуратларини қабул қилолмаймиз. Бизнингча, ёшларнинг маданий камолоти йўлидаги муаммоларини бартараф этишда уларнинг юзаки баҳолари, илдиз отиб кетган эски қолиплари халақит беряпти.

Бундан 2—3 йил аввал ҳам кўплаб жумбоқли кўринишларнинг илдизини чет эллардан қидирардик. Аммо ўзимизда ҳам хиппи, панк, «металлчилар», рокерлар ва бошқа гуруҳлар бор эди ва ҳозир ҳам мавжуд. Вилоятимиз бўйича ўнлаб турли хил норасмий оқимлар бор.

«Норасмийлар» ёшларнинг вақтинчалик порлаган сиёсий чақини эмас, балки уларнинг сиёсий мустақиллигида янгича шакл эканлигини англаб етишимиз зарур.

ҲОЗИРГИ вазиятда Тошкент вилоят ёшлар ташкилотлари комитети тузиш зарурати пишиб етилди. У турли норасмий бирлашмалар таркибидаги комсомол ва ёшларнинг қизиқишларини мужассамлаштиради. Унга вилоят комсомол ташкилотлари билан тенг ҳуқуқда В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионер ташкилоти, истеъфодаги жангчиларнинг вилоят кенгашлари, ёшлар турар-жой комплекслари қуриш бўйича ҳаракатлар, ёшларнинг турли уюшмалари, норасмий бирлашмалар ҳам кириши мумкин.

Шунингдек, вилоят комсомол комитети ҳузурида социологик тадқиқот маркази тузиш зарурати долзарб бўлиб турибди. Вилоят комсомол комитети 1989 йили Тожикистон ССРнинг Ленинобод вилояти комсомол ташкилоти билан дўстлик ришталарини боғлади. Қозоғистон жумҳуриятининг Чимкент вилояти билан ҳам дўстлик алоқалари ўрнатилди.

Комсомол ёшларнинг байналмилал ва миллий тарбиясидаги мураккаб муаммоларни бартараф этиш юзасидан ўз ўрни ва ролини аниқлашда партия органларининг ҳаддан зиёд «васийлиги»ни ҳис қиляпти. Масалан, 1988 йилнинг декабрь ойида талабалар шаҳарчасида ўзбек тили байрамини ўтказишга тааллуқли ҳолни эслаш кифоя. Байрам талабаларнинг ташаббускор гуруҳи билан ҳамкорликда ТошДУ комсомол комитети томонидан тайёрланган эди. Байрам бошланишига 2 соат қолганда уни ўтказиш таъқиқланди. Аммо байрам ўтказилди. Комсомол комитети эса талабалари кўз олдида қайсидир маънода обрўсизланди. Бу тўғрида дорилфунун комсомол ҳисобот-сайлов конференцияси делегатлари кўп марта таъкидлашди.

Мамлакатимиз босиб ўтган йўлга назар ташлаб, кўп нарсаларни ҳис этмоқдамиз. Ўз уйимизда ҳеч қачон бегона эмаслигимизни, табиатни оёқости қилиш, тарих ва маданият ёдгорликларини вайрон этиш, миллий анъана ва одатларни йўқ қилиш сира мумкин эмаслигини чуқур англаб етдик. Халқ тарихсиз яшолмайди. Кўз ўнгимизда тарих ва меъморчилик ёдгорликлари қўпорилишини кузатиб туриш жиноят, куфроналикдир.

Ёшларнинг маънавий тарбиясида ижодий зиёлилар, асосан ёш истеъдодлар алоҳида роль ўйнайдилар. Ана шуни ҳисобга олиб, вилоят комсомол комитети 1989 йилнинг март ойида вилоят ижодкор ёшларининг семинарини ўтказди. Унда жумҳуриятдаги ижодий уюшмаларнинг барча ёшлар секциялари иштирок этди.

Яна бир муҳим ва катта ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришдир. Спортдаги муваффақият ва рекордларни тан олган ҳолда болаларнинг оммавий спортдан ажралиб қолишига йўл қўймаслигимиз керак.

Тўйтепа металл конструкциялари заводи комсомоллари спорт залларини ўз кучлари билан таъмирладилар. Ангрен шаҳридаги ёшлар эса Чиғириқ қишлоғида ўз кучлари билан стадион бунёд этиш ва ҳавзани такомиллаштириш ташаббуси билан чиқдилар. Бундай ташаббусни қўллаб-қувватлаш керак.

**Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг ўсиб бораётгани ташвишли ҳолдир. Инспекция ҳисобида 5390 ўсмир бор. Ёшлар ўртасида гиёҳвандлик ва заҳарланиш кўпаймоқда. Тарбияси оғир болаларга оталиқ қилаётганларнинг иши назорат қилинмайди, уларнинг ҳисоботи камдан-кам эшитилади. Ўсмирлар томонидан қилинаётган жиноятларнинг 80 фоизи кечки пайтга тўғри келади.**

Ноҳия, шаҳар ва бошқа комсомол комитетлари тарбияси оғир ўсмирларни қурилиш отрядларига жалб этишдан ўзларини четга олмоқдалар. Вилоят комсомол комитети шу пайтгача педагогика олий ўқув юртлари талабаларининг балоғат ёшига етмаганлар инспекциясида амалий машғулот ўтишлари масаласини ҳал этгани йўқ.

Ёшларни армияга тайёрлаш ҳам муҳим масаладир. Вилоят шаҳарлари ва ноҳияларида чақирув ёшигача бўлган ва чақирув ёшидаги ёшларнинг спартакиадаларини ўтказиш яхши анъана бўлиб қолган. Лекин ҳарбий ватанпарварлик тарбиясидаги ишлар такомиллашмаяпти. Бу муаммони ҳал этишда Совет Армияси сафида хизмат қилиб қайтган ёшларнинг ватанпарварлик ҳаракати катта ёрдам бериши мумкин.

Байналмилалчи жангчиларнинг хотирасини абадийлаштириш борасида маълум ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент вилояти шаҳар ва ноҳияларида 114 кўча, 11 мактаб ҳалок бўлганларнинг номи билан аталди, 4 ноҳияда ёдгорлик қад кўтарди. Бироқ байнамилалчи жангчиларнинг жуда кўплаб муаммолари ҳали ҳал қилинмаган. Тошкент шаҳрининг ўзидагина 47 собиқ жангчи протезга муҳтождир.

Комсомол ҳаётида муаммоларни келтириб чиқарувчилар асосан талабалардир. Айнан вилоят комсомол ташкилотларининг деярли ярмини ташкил этувчи олий ўқув юртлари, техникумлар, билим юртлари ва мактаб бошланғич комсомол ташкилотларида ёшларнинг маънавий ва ғоявий тарбияси, уларни шахс сифатида шакллантириш муҳим масаладир.

Биз талабаларнинг халқ маорифига кўпроқ маблағ ажратиш, уларнинг олий ўқув юртлари ва техникумларини бошқаришдаги ролини ошириш хусусидаги талабларини қўллаб-қувватлаймиз. Талабаларнинг кўпгина ривожланган мамлакатлардаги сингари ўзларига қатор имтиёзлар берилиши тўғрисидаги талаблари ҳам ҳаққонийдир.

Ҳисобот даврида комсомол комитетлари кашшофлар ташкилотига бўлган муносабатни қайта қуришга мажбур бўлдилар. Лекин ҳали ҳамма комсомол комитетлари ҳам кашшофлар ҳаётидаги ўзгаришларни тушунишга ва қабул қилишга тайёр эмаслар. Биз катта ўрток, умумий ишда шерик бўлиш ўрнига кўпроқ бошқаришга ўрганиб қолганмиз.

ВЛКСМнинг кашшофлар ташкилотига раҳбарлиги тўғрисидаги Устав талаби хусусида жиддий ўйлаб кўриш керак. Бу жуда муҳим масала.

* * *

ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҳавола этилган маъруза тезисида вилоят комсомол комитетининг фаолиятига ҳар томонлама, чуқур ва батафсил баҳо берилган демоқчи эмасмиз. Нимадир унутилган, нима ҳақдадир қисман гапирилган, баҳо беришда янглишган бўлишимиз мумкин.

Вилоят комсомол комитети комсомол-ёшларни ошкора мулоқотга чақирар экан, улар ҳисобот давридаги фаолиятимизга холис, аниқ баҳо берадилар, деб умид қилади. Келгусида қандай ишлашимиз лозим, нимадан воз кечамиз-у, нима билан қуролланамиз. Бу саволларга конференция давомида биргалашиб жавоб топамиз.

**Ҳисобот доклади тезислари муҳокамаси пайтида туғилган таклифларингизни қуйидаги адресга юборишингизни сўраймиз. Тошкент шаҳри. Ўзбекистон проспекти, 9-уй. Тошкент вилоят комсомол комитети, телефон: 33-62-33, 32-27-15.**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КОМСОМОЛ КОМИТЕТИ.**

